

**“Ўзметкомбинат” АЖ**  
**акциядорларининг навбатдан ташқари умумий**  
**йиғилиши кворуми ҳақида**  
**1-БАЁН**

**Йиғилиш ўтказилган жой манзили:** Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истикбол кўчаси, 1-уй, Metallурглар маданият саройи.

**Йиғилиш ўтказилган сана:** 2023 йил 21 декабрь

**Йиғилиш ўтказилган вақт:** 11:00

**КВОРУМ:**

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилишга ваколатли (кворумга эга) деб топилади ҳамда 58-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.


Овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг умумий сони – **605 595 065** дона.

Умумий йиғилишда бюллетен тўлдириш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **560 129 286** дона.

Умумий йиғилишда масофадан туриб электрон овоз бериш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **0** дона.

Йиғилиш кворуми овоз берувчи акцияларнинг **92,49** фоизини ташкил этди.

**Санок комиссияси:**

  
\_\_\_\_\_ Д.Т. Гайназарова

  
\_\_\_\_\_ С.Ф. Аликулов

  
\_\_\_\_\_ Ж.М. Эгамбердиев

Баён тузилган сана: 2023 йил 21 декабрь

**“Ўзметкомбинат” АЖ**  
**акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий**  
**йиғилиши овоз бериш натижалари ҳақида**  
**2-БАЁН**

**Йиғилиш ўтказилган жой манзили:** Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истикбол кўчаси, 1-уй, Metallурглар маданият саройи.

**Йиғилиш ўтказилган сана:** 2023 йил 21 декабрь

**Йиғилиш ўтказилган вақт:** 11:00

Овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг умумий сони – **605 595 065** дона.


Умумий йиғилишда бюллетен тўлдириш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **560 129 286** дона.


Умумий йиғилишда масофадан туриб электрон овоз бериш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **0** дона.


Т/р	Кун тартибидаги масалалар:	Ўқлаб <input checked="" type="checkbox"/>	Қарши <input checked="" type="checkbox"/>	Бетараф <input checked="" type="checkbox"/>
1.	<p>Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти ва саноқ комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Дилноза Тоир қизи Гайназарова – корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари – бошқарув органлари билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи;</li> <li>- Сардор Ғуломжон ўғли Аликулов – корпоратив муносабатлар бўйича етакчи мутахассис;</li> <li>- Эгамбердиев Жавдат Махмуд ўғли – акциядорлар билан ишлаш бўйича мутахассис.</li> </ul>	560 091 534	0	37 752
2.	<p>“Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларига амал қилиш мажбуриятини қабул қилиш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарор:</b></p> <p>“Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларига амал қилиш мажбурияти қабул қилинсин.</p>	560 113 446	0	15 840

3.	Тафтиш комиссияси фаолиятини ва унинг низомини белгиланган тартибда бекор қилиш. <b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарор:</b> Тафтиш комиссияси фаолияти ва унинг низоми белгиланган тартибда бекор қилинсин.	560 113 710	5 676	9 900
4.	“Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш. <b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарор:</b> “Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.	560 114 370	0	14 916

**Санок комиссияси:**

  
\_\_\_\_\_ Д.Т. Гайназарова

  
\_\_\_\_\_ С.Ғ. Алиқулов

  
\_\_\_\_\_ Ж.М. Эгамбердиев

Баён тузилган сана: 2023 йил 21 декабрь